

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРДА ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИНИ ЎҚИТИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

*Холиқулов Нурбек Шукурулло ўгли, Савурова Шаҳризода Абдумалик қизи*  
*А.Қодирий номидаги ЖДПУ, Технологик таълим мутахассислиги 2 – босқич*  
*магистрантлари, Жиззах, Ўзбекистон*  
*e-mail: [savurova3633@jspu.uz](mailto:savurova3633@jspu.uz)*

**Аннотация:** Ушбу ишда умумий ўрта таълим мактабларида технология таълимини халқ хунармандчилик бўлимини ўқитишда ўқитишнинг самаралилик мезони, ушбу мезон асосида хунармандчилик технологияларини асосли равишда гуруҳларга бўлиниши, дарс машғулотларини миллий асосида ташиқилиш методлари, ҳар бир гуруҳга алоҳида олинган ва инновациялар асосидаги дарс ишланмалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** Халқ хунармандчилиги, таълим, мактаб, технология, дарс, инновация, метод, ўқувчи, ўқитувчи, миллий анъаналар.

**Аннотация:** В отчете по данной работе рассмотрен критерий эффективности обучения технологии обучения в преподавании кафедры народных ремёсел в общеобразовательных школах, обоснованное разделение ремесленных технологий на группы на основе этого критерия, методы организации уроков на народном основе представлены разработки уроков, взятые отдельно для каждой группы и основанные на нововведениях.

**Ключевые слова:** Народные промыслы, образование, школа, технология, урок, новаторство, метод, ученик, учитель, национальные традиции.

**Annotation:** In the report of this thesis, the criterion of effectiveness of teaching technology education in the teaching of the department of folk crafts in general secondary schools, the reasonable division of craft technologies into groups based on this criterion, the methods of organizing lessons on a national basis, the development of lessons taken separately for each group and based on innovations are presented.

**Keywords:** Folk crafts, education, school, technology, lesson, innovation, method, student, teacher, national traditions.

Мамлакатимиз ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйган бир пайтда баркамол авлодни тарбиялаш, ўсиб келаётган фарзандларимизга замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, таълим бериш борасида ижобий натижаларга эришиб келмоқда. Хусусан, олий таълим тизимини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида 2017 йил 29 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–2909-сонли қарори қабул

қилиниб, олий таълим тизимини келгусида комплекс ривожлантиришнинг бир қанча энг муҳим вазифалари белгиланди [1].

Ахборот технологиялари асрини ютуғи билан бир вақтда ёшлар тарбиясига салбий таъсир қиладиган (ахборот хуружи) томонлари ҳам мавжуддир. Чунки, мамлакатимизга хорижий давлатлардан ёт ғояларни кириб келиши чет элдан турли (кинофильмлар, дин ниқобидаги экстремизм, терроризм ва бошқалар) кўринишларда кириб келиши ва уларга қарши курашиш учун, ёшларимизда ватанпарварлик ҳис туйғули иммунитетни шакллантиришни тоқозо этади. Ёшларимиз чет-эл ахборотларидан ёт ғояларини мазмун моҳиятини илғаш ва бушлиқ ҳосил булишига йул қўймаслик учун учун ёшлар қалбига мунтазам равишда умуминсоний ва миллий қадриятларни доимий равишда сингдириб боришда умумий ўрта таълим мактабларидаги умумтаълим фанлари ўрни бениҳоя каттадир. Жумладан, ўқувчи ёшларга мажбурий умумтаълим фанларидаги табиий фундаментал фанларини амалий қисми бўлган технология таълимини бўйича умуминсоний ва миллий қадриятларга асосланган миллий халқ хунармандчилиқ соҳаларини ўқитишда ёшларимиз да меҳнат севарлик, миллий удум ва қадриятлар ва аждодларимизга ҳурмат, ватанга садоқат, ватанни севиш каби фазилатларни шакллантириш асосида ватанпарварлик ҳис туйғули иммунитетни ривожлантириш керак бўлади. Шу боисдан ҳозирги ривожланган глобал даврнинг ахборот хуружидан ёшларни ҳимоя қилиш учун умумтаълим фанлари, хусусан, технология таълимидаги миллий халқ хунармандчилиқ соҳаларини ўқитишда уларни юксак маънави ят, миллий қадрият, бой ўтмиш меросга меҳр ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш орқали ёшларда ватанпарварлик иммунитетни шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

2017 йил 27 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ – 3151-сонли яна бир қарори қабул қилиндики, унда олий таълим жараёнида назария ва амалиёт яхлитлиги таъминланмаганлиги, талабаларнинг малакавий амалиётларини ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказиш самарали ташкил этилмагани оқибатида битирувчиларнинг аксарият қисми тайёр мутахассис бўлиб чиқиш ўрнига, ишга жойлашгандан кейин қайтадан ўз касбини, мутахассислигини ўрганаётганлиги, шунингдек, таълим сифатини назорат қилиш механизми замонавий талабларга жавоб бермаслиги, таълим муассасаларида малакали педагог ва бошқарув кадрларининг етишмаслиги, хорижий таълим

муассасалари билан самарали ҳамкорлик етарлича йўлга қўйилмаганлиги каби камчиликлар қайд этилган [2].

Бу эса вақт ўтиши билан инсон қобилиятига айланадиган юксак маҳорати ва тажрибасига боғлиқ бўлиб, шу ўринда ватандошимиз, қомусий олим Абу Райҳон Берунийнинг «Вақт пиллапояси чексиздир, бир-бирининг ўрнини эгаллаб борадиган авлодлар зинадан зинагагина кўтариладилар, холос. Жамланган тажрибани ҳар бир авлод ўзидан кейин келаётган, ўзидан кейин уни тараққий эттирадиган ва бойитадиган новбатдаги авлодга етказиб беради» деган фикрини ёд этайлик [3].

Аждод бобоқолонларимиздан етишиб чиққан Давлат арбоблари, саркардалари, (А.Темур, З.М.Бобир, Ж.Мангуберди, Широқ ва бошқалар) шоирлар(А.Навоий, Форобий, Фурқат, Лутфий, Жомий ва бошқалар), таълим тарбия соҳасидаги етук (Авлоний, Бедил, Абдулқосим Фирдавсий, Бехбудий ва бошқалар) алломаларимиз, қомусий (Беруний, Хоразмий, Ибн Сино, Улуғбек, Фарғоний ва бошқалар) олимларимизни жаҳон цивилизациясида қатор ишлари билан бир қаторда ҳозиргача ўз мавқиени, гўзаллигини, буюк саънатини, жозибадорлиги ва ҳайратомузлигини йўқотмаган сайёҳларни ўзига тортадиган қадимий обидалар миллий ҳунармандчиликда яратилган санъат намуналари эканлиги бутун жаон аҳли эътироф этмоқда. Шу боисдан жаҳондаги энг олий зот бўлган инсонни элини, ватанини севиш ва унга сидқидилдан хизмат қилишга ундаш аввало ҳар бир халқнинг ўтмишига ва ундан қолган бой меросига ҳамда уларни чуқур ўрганишга боғлиқ бўлади. Шу ўринда бой ўтмиш меросимизни ўрганиш ишларидан бири умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчи ёшларга миллий халқ ҳунармандчилиги соҳаларини ўргатиш технология таълими орқали амалга оширилади.

Ёш авлодга миллий халқ ҳунармандчилиги соҳаларини ўргатиш билан Ўзбек халқинини ўтмишдаги миллий халқ ҳунармандчилиги бўйича бой мероси, ҳунармандчиликни пайдо бўлиш тарихи, жозибадор ҳунармандчилик маҳсулотлари ва обидалари, ҳунармандчилик технологиялари, ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган миллий саънат асарларини, миллийликни, миллий удум ва кадриятларни ўргатишга катта имконият бўлади. Миллий халқ ҳунармандчилиги технологияларини ўқувчи ёшларга қанчалик самарали ўқитиш ишлари олиб борилса, шунчалик бу ёшларни ватанпарварликка интиштирилади ва уларда меҳнатни севиш, ватанни севиш, ватанга садоқат, ўтмиш бой меросларимизга меҳр оқибат каби фазилатларни ҳосил қилдириш ва уларни ривожлантириш замон талабида бўлади. Миллий халқ ҳунармандчилиги технологияларини ўқувчи ёшларга ўқитишда ҳар бир машғулотда ёшларни бу соҳага қизиқишини оширувчи ва уларни асраб авайлашга ундовчи дарс материалла рини берилиши уларни ўтмиш бой

меросларини, удум ва миллий қадриятларни севишга, яқуний натижада ватанни севиш ва ватанпарварликка олиб келади. Бундай дарс материалларини ўрганилаётган мавзуни манбалари хусусиятини ҳисобга олиб, дидактик кетма-кетликда берилиши ва алоҳида олинган моментли паузаларда бу манбаларни ватанпарварликка оид тушунчалар билан яқунлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ватанпарварликка оид тушунчалар асосан миллий халқ ҳунармандчилиқ соҳаларини тарихи, бу соҳаларда тайёрланаётган жозибадор маҳсулотлари, авлоддан – авлодга ўтиб келаётган ананавий маҳсулот тайёрлаш технологияларига оид мавзуларда бўлиши мумкин. Шунинг учун миллий халқ ҳунармандчилиқ соҳалари бўйича дарс беришга тайёрланаётган ўқитувчилар ҳар бир мавзуни алоҳида чуқур ўрганиб, уларни ватанпарварликка мойил бўлган томонлари алоҳида ажратиб, уларни моментли паузага жойлаштириб, дарс ишланмасини тайёрласалар мақсадга мувофиқ бўлади. Тайёрлангаётган дарс ишланмаси миллий халқ ҳунармандчилиқни қайси йуналишига, яъни ёғочларга ишлов беришга асосланган миллий халқ ҳунармандчилиқ технологиялари, металлларга ишлов беришга асосланган миллий халқ ҳунар мандчилиқ технологиялари, газламаларга ишлов беришга асосланган миллий халқ ҳунармандчилиқ технологиялари, турли материалларга ишлов беришга асосланган миллий халқ ҳунармандчилиқ технологияларига таълуқли эканлигини аниқлаб, сўнгра кичик моментли паузалар ажратишни режалаштириш мумкин, чунки айрим икки ёки учта мавзуларга бир хил кичик моментли паузалар ажратиш мумкин бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан тегишли мавзулар бўйича дарсга тайёрланаётган ва дарс ишланмасини ишлаб чиқаётганда бу ҳолни эътибордан четда қолдирмаслик керак.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ–2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори.// [Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси](http://www.lex.uz), <http://www.lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3151-сонли «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори.// [Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси](http://www.lex.uz), <http://www.lex.uz>

3. Х.А.Тўрақулов, Ж.Ж.Ҳасанбоев, И.Ш.Алқаров, Н.Ў.Усмонов, О.Х.Тўрақулов. Илмий тадқиқот асослари. Тошкент – 2011. “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. 483 б